

Тошкент шаҳридаги тўртта масжидга янги имом-хатиблар тайинланди



15:41 / 08.02.2023 2349

Шу пайтгача Яккасарой туманидаги «Раҳимжон ҳожи ота» масжиди имоми бўлиб ишлаб келаётган Тўра Тош Муҳаммад Зариф Чилонзор туманидаги «Муҳсимхон Тўра Эшон» масжидига, ушбу масжид имоми Абдурасул Қаюмов эса Яккасарой туманидаги «Раҳимжон ҳожи ота» масжидига имом этиб тайинланди.

Ибн Турсун Билол қори ибн Султонмурод Учтепа туманидаги «Чўпон ота» масжидига, Қувондиқ Боймуродов эса Учтепа туманидаги «Бешқайрағоч» масжидига имом-хатиб этиб тайинланди.

Қайюм Муҳаммадиев эса Сергели туманидаги «Иттифоқ» масжидига имом ноиби вазифасига тасдиқланди.

Аллоҳ таоло янги имомларнинг фаолиятига муваффақиятлар ато этсин.